Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 февраль, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 37 (1290)

Ислом КАРИМОВ:
ЎЗБЕКИСТОН – ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

Мамлакатимиз озод осмонида истиқлолнинг мунаввар қуёши порлаб, демократик давлат қуриш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга киришилганидан буён жаҳон аҳли, хусусан журналистлар Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Юртимизда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнига алоҳида эътиборнинг боиси шундаки, Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаб, бу йўлдан оғишмай дадил илгариламоқда.

Ростини айтиш керак, тўғри танлангани бугун кўпгина давлатлар томонидан эътироф этилаётган, ўзининг самаралари бера бошлаган бу йўлга дастлаб муносабат ҳар хил бўлгани эсимизда. Яқин ва узоқ хориждаги оммавий ахборот воситалари мамлакатимиздаги вазият ва ислоҳотлар жараёни билан яқинроқ, батафсил танишмай, юзаки ёзилган мақолаларда Ўзбекистонни обрўсизлантиришга, жаҳон аҳли, жумладан, йирик сармоядорлар ҳамда тадбиркорларда юртимиз ҳақида нотўғри тасаввур уйғотишга уринган пайтлари ҳам бўлди. Бу борада Россия матбуоти «яловбардорлик» қилганини таассуф билан таъкидлаш жоиз.

Лекин шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, йироқда нотайин манбааларга асосланиб, Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурда юрганлар ҳар гал юртимиз ҳаёти билан бевосита танишгач, юртбошимиз билан мулоқотда бўлгач, ўзларининг алданиб юрганига имон келтирадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Бир гуруҳ россиялик журналистларнинг мамлакатимизга ташрифи уларга юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан кенг танишиш имконини берди. «Новое время» журнали, «Московские новости», «Известия», «Правда», «Независимая газета», «Сегодня», «Век», «Деловой мир» газеталари, «Озодлик» радиоси Москва бюроси, «Россия радиоси», «Интерфакс» ахборот маҳкамаси, Россия жамоат телевидениеси (ОРТ) вакилларидан иборат россиялик журналистлар республикамиз Олий Мажлисида, Вазирлар Маҳкамасида, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг бир неча шаҳар ва туманларида бўлдилар. Талай раҳбарлар, жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари, оддий фуқаролар билан учрашдилар, баҳс-мунозараларда бўлдилар.

Ўзбекистон билан танишув сафари сўнгида уларни республикамиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

Ислом Каримов журналистларнинг Ўзбекистон бўйлаб сафари таассуротлари натижасида ёзилажак мақолалар республикамиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига, икки мамлакат халқларининг бир-бирини янада теранроқ тушунишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Свобода» радиоси Москва бюросининг муҳаррири В. Кулистиков ташрифнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўзлар экан, уни ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Ўзларининг бу сафари Ўзбекистоннинг демократия тамойилларига қатъий амал қилаётганининг исботи эканини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти россиялик журналистлар саволларига жавоб қайтаришга киришар экан, мамлакатимиз барча учун очиқлигини, Ўзбекистон иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйган ҳолда жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатаётганини таъкидлади.

Россиялик журналистлар дастлаб Ўзбекистон раҳбаридан мамлакатдаги ички сиёсий вазият ва партияларнинг ҳукумат билан муносабатлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадилар. Ислом Каримов бу саволга жавобан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришлар тўғрисида сўзлади.

— Кўппартиялилик биз учун ҳам янги ҳодиса, — деди жумладан Президент. — Айни пайтда Ўзбекистонда бир неча партия мавжудлиги ва улар Олий Мажлисда ўз фракцияларига эгалигидан воқифсиз. Бироқ мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳали шаклланиш жараёнидадир.

Ўзбекистон раҳбари демократиялаш жараёнининг энг муҳим жиҳати жамиятимизда сайлов йўлининг қарор топгани эканига эътиборни қаратди. Сиёсий партиялар шунчаки тузилмай, жамиятдаги маълум қатламга таяниши, бу қатлам вакиллари фикр-ўйлари, иродаси ифодачиси бўлиши лозим. Россияда парламентга сайловлар чоғида элликка яқин сиёсий блоклар тузилган бўлса-да, айтарли жиддий сиёсий дастури бўлмагани боис уларни фақат етакчиларига қарабгина фарқлаш мумкин эди. «Люмпенлашув», яъни маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш, ҳамма нарсага, мамлакат тақдирини ҳал этадиган сиёсий тадбирларга ҳам бефарқлик ҳозирги замонда зоҳир бўлаётган муҳим муаммолардан биридир.

Ислом Каримов «Правда» газетаси мухбирининг Ўзбекистонда Коммунистик партия ташкил этилиши мумкинми, деган саволига жавобида бу мавзудаги фикрини янада ривожлантирди. Партиялар фақат миллий заминда барпо этилиши шарт. Хориждаги сиёсий кучлар иродаси, кўмаги билан тузилмаслиги лозим. Зеро, партия мамлакат халқига таяниши, унинг манфаатларига хизмат қилиши даркор. Акс ҳолда кўнгилсиз ҳол рўй бериши турган гап. Коммунистлар бу усулни Ўзбекистонда синаб кўрган эдилар.

Президент журналистларга коммунистик ғояларни юртимизга ташиб келтирганлар Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларга капитализмни четлаб, феодализмдан социализмга сакраб ўтишни Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон мисолида намойиш этишга уринганларини, аслида эса бу ерда «казарма социализми» ҳукм сурганини эслатди. Бизнинг ўлкада коммунистик ғоя миллий асосга эга бўлмаган. У большевиклар томонидан Ўзбекистонга экспорт қилинганини Туркистон марказий ижроқўми раҳбарлари орасида маҳаллий кадрлар бўлмаганидан ҳам билиш мумкин. Коммунистлар маҳаллий кадрларга йўл бериш, миллий қадриятларни ривожлантириш у ёқда турсин, уларни очиқчасига йўқ қилиш билан шуғулланган. Хусусан, маҳаллий миллат вакиллари дастлаб босмачи сифатида қирилди. Ўттизинчи йиллар охирларида эса миллат манфаатини ўйлайдиган маҳаллий зиёлилар халқ душманлари сифатида шафқатсизларча маҳв этилди. Бу сиёсат Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам давом этди. Унинг «лигачёвча» тадрижи Горбачев замонида «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» ниқоби остида намоён бўлди. Бугун Россияда ҳукумат тепасига келишга интилаётган ва ўзларини «коммунист» деб атаётган гуруҳ аъзолари собиқ СССРни тиклаш ҳақида сўзлар эканлар, бу фожиаларни унутмасликлари керак. Ўзбек халқи энди ҳеч қачон бундай истибдодга йўл қўймайди.

Хўш, Россияда коммунистлар тарафдорлари ортиб бораётганининг сабаби нимада? Ислом Каримов бунинг боиси — ҳокимият тепасидаги демократик кучлар ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйган жиддий камчиликлар эканини таъкидлади. Улар ўз хатолари билан коммунистлар, шовинистлар ва бошқа мухолиф кучлар тарафдорлари ортишига имкон яратдилар. Коммунистларнинг етмиш йиллан зиёд ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда коммунистик ғоя амалий илдиз отмаганини, маҳаллий миллат вакили коммунистик ғоялар ташувчисига айланмаганини, у аслида оддий «бажарамиз»дан нарига ўтмаган ижрочи бўлиб қолаверганини қайд этди Президент. Шу боис ҳозир

(Давоми 2-бетда).

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСҚАР АКАЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Сизларнинг 1995 йил 19 декабрдаги мактубингизда баён қилинган қўшма тинчлик ўрнатиш батальони тузиш, шунингдек, БМТ захира битимлари тизимига қўшилиш юзасидан қабул қилган қарорингиз ва бу мактубга илова қилинган битим учун самимий миннатдорлигимни билдириш мақсадида мактуб ёзмоқдаман. Бу муҳим тадбир бўлажак тинчлик ўрнатиш операцияларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун қимматли захира фондини вужудга келтириб, халқаро тинчликни сақлаб туришга ҳисса қўшади.

Бош котибнинг тинчлик ўрнатиш операциялари бўйича ўринбосари яқин кунларда мамлакатларингиз пойтахтларига икки катта ходимини юборажагини маълум қилишни лозим топдим. Улар Сизларнинг ҳукуматларингизга зарур техникавий маслаҳат беришади.

Жаноби олийлари, Сизларга юксак эҳтиромимни қабул қилгайсизлар.

БУТРОС БУТРОС ҒОЛИЙ,
БМТ Бош котиби.

ЎзА шарҳи

Ҳозирги даврда жаҳонда бўлаётган оламшумул ва минтақавий жараёнларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Мутлақо равшанки, дунёдаги хавфсизлик ва умумий тараққиёт маҳаллий низоли вазиятларни ўз вақтида ҳал этишга бевосита боғлиқдир.

Жаҳон ҳамжамияти бу мақсадга эришиш йўлида бир неча ўн йиллардан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш операцияларидан бир мамлакат доирасида давлатлар ёки бир-бирига душман гуруҳлар ўртасида вужудга келувчи можароларни ҳал қилиш қуроли сифатида фойдаланиб келмоқда. Маҳаллий можаролар муаммоси сўнгги вақтда айниқса ўткир тус олди. Бу муаммоларни ҳал этиш жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида олганда ҳар бир давлатдан мумкин қадар кўпроқ фаоллик ва ташаббускорликни талаб қилади.

Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев ва Ўзбекистон Президенти И. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг можароларни бартараф этиш, уруш хавфининг олдини олиш ва тинчликни сақлашга доир саъй-ҳаракатларига биргаликда ҳисса қўшишга интилиб, олдиндан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиби Бутрос Ғолий билан маслаҳатлашиб, 1995 йил 15 декабрда Жамбул (Қозоғистон)да бўлиб ўтган олий даражадаги навбатдаги учрашувда БМТнинг захира кучлари сифатида коллектив тинчлик ўрнатиш батальони тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Президентлар БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга биргаликда яна мактуб йўллаб, унда БМТ захира битимлари тизимига қўшилишга ҳамда БМТ мутахассислари билан маслаҳатлашишга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий юқорида эълон қилинаётган жавоб мактубида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг БМТ ҳомийлигида захира кучлар сифатида ҳарбий бўлинма тузиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўз миллий ҳудудларида турадиган ва Бош котибнинг сўровига мувофиқ янги ёки илгаридан амалга оширилаётган тинчлик ўрнатиш операцияларида иштирок этиш учун жаҳоннинг турли минтақаларига оператив тарзда юборишга тайёр турадиган «Захира» кучларини тузиш ғояси 1993 йилда амалга оширила бошлаган эди. Ҳозирги пайтгача 21 давлат жами 30 минг кишидан иборат «Захира» кучларини БМТ ихтиёрига беришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Яна 26 давлат зиммасига ана шундай мажбурият олиши кутилмоқда. Натижада, БМТ «Захира» кучлари 55 минг кишига етиши мумкин.

БМТ қўшинлари ана шу давлатларнинг ўзида мунтазам кучлар ёки қўнгиллилардан, шу жумладан, захирага бўшатиладиганлардан тузилади. Бундай тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун хизмат муддати тинчлик ўрнатиш операциялари давомида асосан 6 ойдан 1 йилгача бўлади.

Бетарафликка риоя қилиш ҳамда БМТ мандатида белгиланган вазифаларнигина бажариш БМТ қўшинлари учун ҳам, ҳарбий қузатувчилар учун ҳам асосий қоидадир.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиёдаги давлат ҳукуматлари ва тегишли маҳкамалари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг манфаатдор тузилмалари билан ҳамкорликда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ташаббусини амалга оширишнинг ҳуқуқий негизи ва механизми ишлаб чиқилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз мусулмонларининг муборак ҳаж сафарини ташкил этишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг 1996 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини одилона ва холисона қондириш, бу жараёнда ҳар томонлама адолатни таъминлаш масъулияти тўлалигича Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги эътиборга олинсин.

2. Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасига 1996 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита бевосита ёрдам кўрсатсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Ғ. Рафиқов) 1996 йил апрель ойида зиёратчиларни Жидда шаҳрига олиб бориш ва қайтариб келиш, зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳаражатларини қисқартириш мақсадида самолётларда жўнаш ва қайтиш пунктларини жойларда ташкил қилиш масалаларини ҳал этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Гатаулин) Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ш. Каримов) зиёратчиларни Саудия Арабистонининг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда тиббий кўрикдан ўтказишни ва ҳаж даврида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориш оқибатида рўй берадиган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ва зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси (З. Файзиев) ва «Ўзбекбирлашув» уюшмаси (Ф. Бурхонов) Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг буюртмаларига мувофиқ жойларда зиёратчилар учун керакли буюмлар савдосини ташкил этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (Р. Азимов) Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга асосан Ўзбекистон Республикасидан ҳаж зиёратига борувчи ҳар бир фуқаро учун 1238 АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олинмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг мутасадди вакиллари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига Ўзбекистон Республикаси биржаси орқали 4 миллион 333 минг АҚШ долларини сотишни таъминласин.

9. Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 19 февраль.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига ўзимнинг қизғин қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Сизга бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса муттасил тараққиёт тилайман.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан

Шайх Зайд бин Султон Ол НАХАЙЙАН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

X X X

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизнинг биродар халқига эса маъмурчилик ва равнақ тилайман.

Мактум бин Рашид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва Бош вазири

X X X

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига мамнуният ила ўзимнинг самимий қутловларимни йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизнинг биродар халқига эса маъмурчилик ва равнақ тилайман.

Султон бин Зайд Ол НАХАЙЙАН,
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари.

X X X

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва Ўзбекистон Республикасининг биродар халқига самимий табрик йўллаш менга катта қувонч бахш этади.

Қодир Оллоҳдан ушбу муқаддас байрам Сизга бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, халқингизга равнақ ва фаровонлик келтиришини илтижо қиламан.

Ҳафиз ал-Асад,
Сурия Араб Республикаси Президенти.

X X X

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон Ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табрик йўллаш ва эзгу истаклар билдириш менга катта мамнуният бахш этади. Шу қулай фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сизга эсон-омонлик, Ўзбекистоннинг қардош мусулмон халқига фаровонлик тилайман.

Шу муқаддас кунларда қудратли Оллоҳдан барча мусулмон халқларига рўшнолик, уларни қардошларча мустаҳкам ҳамкорликка йўллашини тилаб, илтижо қиламиз.

Сизга зўр эҳтиром билан,

Саад ал-Абулла ал-Салим ас-САБОҲ,
Валиаҳд шаҳзода ва Қувайт Давлати Бош вазири.

X X X

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити муносабати билан ўз номимдан, шунингдек, Уммон ҳукумати ва халқи номидан Сиз жаноби олийларига ҳамда дўст Ўзбекистон халқига самимий табрик ва энг яхши истакларимни йўллашдан хурсандман.

Барча мусулмонлар нишонлайдиган шу муқаддас ва қувончли байрам халқлар ўртасида тинчлик, ҳамфикрлик ва уйғунликка олиб келсин.

Қобус бин САИД,
Уммон султони.

X X X

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати Сиз жаноби олийларига ва қардош Ўзбекистон халқига йўллаётган ушбу самимий табригимга қўшилади. Сизга мустаҳкам саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга равнақ ва фаровонлик тилайман.

ҲУСАЙН 1,
Иордания Подшоси.

Ислом КАРИМОВ:
ЎЗБЕКИСТОН – ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда Коммунистик партия тузилишига миллий замин йўқ.

Ислом Каримов Ўзбекистон жамиятда мулкдорлар синфининг — қатламининг вужудга келишига катта аҳамият бераётганини таъкидлади. Жамиятда ана шундай қатлам вужудга келиб, муқим мавқени эгаллагандагина мамлакатдаги демократиянинг, жумладан, сиёсий партияларнинг барқарорлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Россиялик мухбирлардан бири Ўзбекистон раҳбаридан мамлакатда хорижий сармояларни жалб этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришилганининг боиси хусусида сўради. Хорижий сармоялар ҳеч қайси мамлакатга ўз-ўзидан оқиб келмайди, деди Ислом Каримов. Хорижлик сармоядорлар маълум мамлакатга сармоя солишдан аввал ундаги вазият, қонунларни чуқур ўрганадилар. Ўзбекистонни 2—3 йил давомида синчковлик билан ўрганган японияликлар бунга мисол бўла олади. Кунчиқар мамлакатида бу ишга давлат кенг кўмаклашади. Жамғармалар шаклидаги махсус тадқиқот муассасалари маълум мамлакатга сармоя солиш манфаатли ёки йўқлиги ҳақида хусусий компанияларга тавсиялар берадилар. Биз буни билган ҳолда ислоҳотларнинг бошланишиданоқ энг устувор соҳаларни аниқ белгилаб олган эдик, деди Президент. Бу соҳаларни ривожлантириш учун сармоядорларга кенг имтиёзлар, ҳатто сиёсий кафолатлар берадиган қонунлар яратилди. Эришилаётган ютуқларнинг боиси ана шунда. Биз сармояларни аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирмоқдамиз. Сармоядорлар эса аниқликни ёқтиради.

Ислом Каримов хорижлик ишбилармонларни жалб этишда уларнинг мамлакат имкониятларидан воқифлиги муҳим аҳамият касб этишини айтди. Шу боис мен жаҳондаги йирик бизнесменлар, иш одамлари, давлат раҳбарлари йиғиладиган Давос учрашувларида беш йилдан бери мунтазам иштирок этиб келмоқдаман, — деди Президент. Шу ўринда юртбошимиз «ЎзДЭУавто» корхонаси ва Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига хорижлик ишбилармонлар билан тенг шериклик тамойилида сармоя сарфланганини таъкидлади. Ўтган йилда мамлакатимизда 1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя ўзлаштирилди.

Тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида шуни айтиш мумкинки, бизда қўшма корхоналар 5—7 йилгача солиқдан озод қилинишини, хорижлик сармоядор 10 йил давомида Ўзбекистондаги корхонасини у барпо этилган даврдаги қонун ва шартларга асосан бошқариши кафолатланганини эслаш жоиз, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатда бу даврда мазкур соҳага оид қонунлар ўзгарган тақдирда ҳам у истаса аввалги қонун асосида иш юритиш имкониятига эгадир. Ислоҳотларни босқичма-босқич, режали тарзда пухта ўйлаб амалга ошириш уч йил ичида нефть мустақиллигига эришиш имконини берди. Биз галла мустақиллигига эришиш арафасида турибмиз.

Илгари нефть олишга сарфланадиган пахтани жаҳон бозорида сотишдан тушган маблағни бошқа соҳаларни ривожлантиришга, жумладан, сўмнинг қадрини оширишга сарфлаш имкони туғилди. Биз 1996 йилда сўмнинг тўла ички конвертация қилинишига эришамиз, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Бунинг учун пухта ҳисоб-китоб ва етарли имкониятларга эгамиз. Ўтган йили валюта биржаси орқали 1,5 миллиард АҚШ доллари сотган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткич 2,6 миллиард долларга етиши мўлжалланмоқда.

Банк тизими соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар россиялик журналистларнинг қизиқиш доирасидан четда қолмади. Мамлакатдаги ислоҳотларни банк тизимини замонавий талаблар асосида қайта қурмай туриб амалга ошириш қийин, деб таъкидлади Ислом Каримов. Ҳозир мамлакатимизда қарийб 25 та банк мавжуд. Марказий банк, Халқ банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Савдогарбанк», «Тадбиркорбанк», «Алоқабанк», «Пахтабанк», «Ғаллабанк» шулар жумласидандир. Давлат банклари қаторида хусусий ва тижорат банклари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти доимо назоратда. Шунинг учун бўлса керак, бизда собиқ Иттифоқ ҳудудида вужудга келган айрим мамлакатлардагидек алданган омонатчилар йўқ ва бўлмайди ҳам.

Банклар ҳар томонлама оёққа туриб олиши учун уларнинг дастлабки беш йил давомида олган фойдасидан солиқ олинмайди. Улар бу маблағни замонавий ускуналар, компьютерлар сотиб олишга, хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилашга сарфлаётир. Айни пайтда банкларда пул ўтказишнинг электрон тизими кенг қўлланмоқдаки, бу бугун иқтисодиётнинг юксалишига самарали таъсир эта бошлади. Масалан, бир кунда Тошкент ва Нукусга беш маротабагача маблағларни бемалол кўчириб ўтказиш мумкин.

Президент ўтган йили ташкил этилган «Асакабанк» ҳақида муфассал тўхталди. Асосан «ЎзДЭУавто» автомобиль заводига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бу банк мамлакатимиз фуқароларининг янги автомобиллар сотиб олишига кўмаклашади.

Фуқароларимиз автомобиль нархининг 25 фоизини тўлагач, ушбу банк уларга машина баҳосининг қолган 75 фоизини тўлаш учун имтиёзли кредит беради. Банк Низом жамғармаси Ўзбекистон олтинини жаҳон бозорида сотишдан тушган маблағ ҳисобига яралди. Бу мамлакатимиз ер ости бойликларидан халқимиз шу тахлит баҳраманд бўлишини кўрсатади.

Журналистлардан бири аҳолисининг асосий қисми Ислом динига эътиқод қилувчи ва айни вақтда дунёвий жамият қураётган Ўзбекистон Ислом дунёси билан Ғарб мамлакатлари ўртасида кўприк вазифасини бажариш имкониятига эгами, деб савол берди.

Ислом Каримов ҳозир у ёки бу цивилизация ёҳуд минтақалар орасида аллақандай кўприк бўлиш ҳақида сўзлаш урф бўлганини истеҳзо билан қайд этар экан, Ўзбекистон ҳеч қачон ҳеч кимнинг олдида ҳеч қандай кўприк бўлмаслигини кескин таъкидлади. Биз ўзимизнинг аниқ мақсадларимизга эгамиз. Ундан оғишмай боравермиз, деди Ўзбекистон Президенти. Бу жаҳон иқтисодиётига, цивилизациясига интеграциялашув йўлидир. Жаҳондаги йирик мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилган ва юксак баҳоланган Конституциямизда дин давлатдан ажратилгани ёзиб қўйилган. Биз Ислом динига сиёсий эмас, балки маънавий қадриятимиз сифатида қараймиз ва баҳо берамиз. Хулоса шуки, биз ўз қадриятларимизни жаҳон цивилизациясидан ажратмаймиз, бу — биз келажагимизни теран миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамоҳанглигида кўрамиз, деганидир. Аммо республика раҳбарияти жамиятни тараққий эттиришда ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш ҳақида сўзлаганда буни «Ўзбекистон ўз демократиясини яратмоқчи» деб тушунмаслик керак, деди Президент. Гап бу ерда, айтайлик, Японияда демократик тузум Америкадаги демократиядан фарқ қилиши, хусусан, Ғарб кишиларига индивидуализм, Шарқ кишиларига эса жамоага боғланиб иш кўриш хослиги ҳақида бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётда катта обрўга эга бўлган маҳаллалар тизимига жиддий эътибор қаратилаётир.

Сўнгра журналистлар Ўзбекистоннинг кўпмиллатли давлат эканини қайд этар эканлар, русийзабон аҳолининг давлат тизимида ва мамлакатимиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар ривожида қандай ўрин тутиши билан қизиқдилар. Кўпмиллатлилик Ўзбекистон учун кўпгина соҳада устунлик яратади. Бинобарин, фақат бир миллат вакиллари яшайдиган мамлакатдан кўра фуқаролари кўпмиллатли бўлган мамлакатнинг имкониятлари кенгроқдир, деди Президент. Ҳозирги кунда мамлакатимиз фуқаролари миллати, эътиқодидан қатъи назар тенглик, ўзаро дўстлик ва тотувликда ҳаёт кечирмоқдалар. Шу ўринда Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинганини ва у мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакиллари учун бирдай манфаатли эканини таъкидлаш лозим.

Маълумки, бир неча йил муқаддам эълон қилинган Давлат тили ҳақидаги қонун жамиятнинг ўша пайтдаги ҳолати таъсирида қабул қилинган эди. Жамият энди ҳиссиётлар даврини босиб ўтиб, у ҳар томонлама юксалиб бораётир, шу боис бу Қонунни ривожланган давлатлардаги каби жамият тараққиётига, умуминсоний қадриятлару халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос ҳолга келтириш имконияти пайдо бўлди. Президент жамиятимизнинг улғайганини бу ўзгаришлар сокинлик ва тушуниш билан қабул қилинганидан билиш мумкинлигига эътиборни қаратди.

«Интерфакс» ахборот маҳкамаси мухбири Ўзбекистон давлат бюджети тақсимоти, аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексациялаш мавзусига қизиқиш билдирди. Ислом Каримов мамлакатимиз бюджети тақсимоти ҳақида батафсил маълумот берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат бюджетининг катта қисмини ижтимоий соҳага сарфлаш режалаштирилган. Жумладан, аҳолини ҳимоялашга сарфланажак ҳаражатлар бюджетнинг икки бандида ўз ифодасини топган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш деб номланган бу бандларда қайд этилган маблағ ўтган йилдагидан анча кўп бўлиб, бюджет ҳаражат қисмининг 51,4 фоизига баробардир.

Ўзбекистон раҳбари саволнинг иккинчи қисмига жавоб берар экан, республика Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори муносабати билан мамлакатимизнинг 5 миллион 600 минг фуқароси омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш имкониятига эга бўлганини, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бу тадбир ҳар томонлама пухталик билан ишлаб чиқилганини қайд этди.

Ҳар бир мамлакат тараққиётга интилар экан, олға юришга монелик қилиши мумкин бўлган хавфни ҳисобга олиши керак. Хўш, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи хавфсизлигига нималар даҳл қилиши мумкин? Хусусан, демографик муаммолар мамлакат барқарорлигига хавф солмайдими? Мухбирнинг ушбу саволига жавобан Президент Ислом фундаментализми, аниқроғи халқаро экстремизм, Афғонистондаги уруш ва Тожикистондаги нотинчлик минтақа хавфсизлигига катта путур етказаётганини таъкидлади.

— Мен икки маротаба БМТ минбаридан жаҳон ҳамжамияти эътиборини ушбу муаммога қаратдим, деди Ислом Каримов. Йирик давлатларнинг ўзаро манфаатлари тўқнаш келган бу заминда тинчликни таъминлаш учун аввало БМТ Афғонистонга қурол-яроғ сотишни тақиқлаши зарурлиги ҳақида билдирган таклифим яқинда Европа парламенти томонидан қўллаб-қувватланганини ва бу таклиф БМТ Хавфсизлик кенгашига тавсия этилганидан мамнунман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш тарафдори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда БМТнинг Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинарини эслаш жоиздир. Бу семинарни ўтказишни ҳам мамлакатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб таклиф қилган эди. Юртбошимиз журналистлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг Афғонистон орқали денгиз портларига чиқадиган автомобил йўли қуриш нияти афғон тупроғида давом этаётган уруш туфайли амалга ошмай турганини ачиниш билан таъкидлади. Бу йўл қурилишининг бошланиши қурол тутишга ўрганган неча юз минглаб кишиларни меҳнат, яъни ризқу рўз билан таъминлаш имконини берар эди.

Мулоқот давомида Президент айримларнинг Афғонистон ҳукуматига мухолиф бўлган Абдурашид Дўстумни «ўзбек генерали» деб аташларини тушунолмаслигини баён қилди. Ҳамонки, А. Дўстум Афғонистон фуқароси экан, демак, у Афғонистон генерали бўлади. Бинобарин, генерал унвонига эга, айтайлик, Ўзбекистон фуқароси қайси миллатга мансуб эканлигидан қатъи назар, ҳақли равишда Ўзбекистон генерали, деб аталади.

Мамлакатимизда қарор топган фуқаролар тотувлигига, мустақил Ўзбекистоннинг эркин демократик жамият қуриш йўлидаги фаолиятига Россиядаги айрим шовинистик кучлар ҳам хавф солиши мумкинлигини Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб ўтди. Демографик муаммолар Ўзбекистонга хавф солмайди. Ўзбекистон раҳбари ўз фикрини Жанубий Корея мисолида исботлади. Корея Республикасида 2 миллион гектардан зиёд ҳайдаладиган ер мавжуд. Мамлакат аҳолиси 42 миллиондан зиёд. Ўзбекистон эса 4 миллион гектардан ортиқ ер майдонига эгадир. Мамлакатимиз аҳолиси 23 миллиондан ошди, холос. Рақамларнинг ўзиёқ юртбошимизнинг ҳақлигидан гувоҳлик беради. Суҳбат айланиб матбуот мавзусига келди. Россия матбуотида мамлакатимиз ҳақида бир қанча мақолалар ёзган «Известия» газетаси мухбири В. Вижутович матбуот Ўзбекистонда «тўртинчи ҳокимият» вазифасини қандай бажарётгани ҳақида савол берди.

Ислом Каримов бу ҳақда сўзлар экан, матбуот Ўзбекистонда ҳали Ғарбдагидек мавқега кўтарила олмаганини, аммо бу борада бир қанча ишлар амалга оширилаётганини, хусусан, тажриба ўрганиш учун ёш журналистлар хорижий мамлакатларга жўнатилаётганини маълум қилди.

Президент мамлакатда амалга ошаётган ишлардан раҳбар сифатида тўла қониқмаётганини айтди. Боқимандалик кайфиятидаги раҳбарлар ҳамон мавжудлигини, умуман боқимандаликни ўзининг асосий мухолифи, деб билишини қайд этди. Афсуски, бу иллатдан ҳанузгача қутила олганимиз йўқ.

Учрашув якунида юртбошимиз мамлакатимизга ташрифи ва Ўзбекистонда кечаётган воқеаларга қизиқиш изҳор этганлари учун россиялик журналистларга миннатдорлик билдирди. Уларнинг икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликка ҳисса қўшиш йўлидаги фаолиятига муваффақият тилади. Россиялик журналистлар самимий қабул, очиқ-ошкора суҳбат учун юртбошимизга ташаккур изҳор этдилар.

Суҳбат якунлангач, биз россиялик журналистлардан баъзилари билан фикрлашдик. Жумладан, «Озодлик» радиоси Москва бюросининг муҳаррири Владимир Кулистиков Ўзбекистон сафаридан олган таассуротлари хусусида бундай деди:

— Сафар давомида Ўзбекистон Президентининг ислоҳотларни амалга ошириш ва жамиятни демократиялаш йўлида қатъият билан ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди ҳамкасбимиз. — Биз Ўзбекистоннинг турли вилоятларида турфа касбдаги кишилар билан учрашдик. Уларнинг ўз келажакларидан кўнгли тўқ ҳолда яратиш, бунёдкорлик билан бандлигини кўрдик. Ўзбекистонда ислоҳотлар билан бир вақтда ўтиш даврида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатилаётгани ибратлидир. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўзга давлатлар томонидан муносиб баҳоланиши керак, деган фикрдаман.

Россиялик журналистларнинг мамлакатимизга сафари, юртбошимиз билан бўлган учрашуви республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётгани хусусидаги уларнинг узуқ-юлуқ фикр ҳамда тасаввурларига барҳам беради, ёзилажак мақолаларида Ўзбекистондаги ҳақиқий ҳолат ўз ифодасини топади, деб ишонамиз. Зотан, юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деган гап ҳаммадан кўпроқ биз, журналистларга тегишлидир.

Амирқул КАРИМ,
(ЎзА).

МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам азиз биродарлар!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар, беадад шукрлар, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга дуруду салавот, саломлар бўлсинки, муборак Рамазон ҳайити шарофати ила Ўзбекистон халқини бу қутлуғ айём ила чин қалбдан муборакбод этишга муяссар бўлдик.

Мана шундай саодатли, муборак Рамазон ойида қилган барча ибодатларимизни, тутган рўзаларимизни Оллоҳ таоло даргоҳида ҳусни қабул айлаб, бандачилик билан қилган баъзи маъсиятларимизни мағфират айласин.

Муборак Рамазон ойи арафасида жорий йилнинг буюк соҳибқирон — «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши жумҳуриятимизнинг барча фуқароларини ғоят мамнун этди.

Оллоҳ таоло бу йилимиз янада қутлуғ, деҳқонларимиз учун файзу баракотли бўлишини насиб қилсин.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ва эрксевар дунё халқларига тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларига қут-барака тилаб, келаси Рамазон ойларига ҳам соғ-саломат етиб боришимизни ҳақ субҳанаҳу ва таоло барчамизга насиб айласин. Омин!

Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси

• Муборак кун

ШУКРОНАЛИК ВА ШОДЛИК БАЙРАМИ

Яратганга шукрким, галдаги Рамазони шариф ойи ҳам охирлаб, муқаддас ва муборак байрам — Ҳайит хонадонларга, кенгликларга кириб келди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ҳақида, Ҳақ таолонинг бу қутлуғ кунлардаги эҳсону иноятлари тўғрисида кўп ва хўб сўзлаш мумкин. Ҳайитнинг шодлик ва шукроналик байрами эканлигини кексаларимиз — боболар, момолар ва барча мўъмин-мусулмонлар юракдан ҳис қилишади. Шунинг учун улар Ҳайитни орзиқиб кутишади.

Одамлар Ҳайит кунлари ҳар қачонгидан бирмунча мулойим, меҳрибон, ширинсўз, сахий бўлиб қолишади. Бир-бирларидан ҳол-аҳвол, кўнгил сўрашади, тайёрланган турфа хил тансиқ таомларни ўзаро баҳам кўришади, биргаликда қабристонга боришиб, марҳумлар руҳларини шод этишади. Яраттаннинг раҳмати ёғилиб турадиган бу муборак кунда эрта тонгдан бошлаб ҳамма бир-бирини табриклайди. Фақат бу табрикнинг бошқа қутловлардан фарқи бор. Бу фарқ шундаки, одамлар худди узоқ муддат кўришмаган кишилардек бир-бирларини бағриларига босишиб, тани-соғлиқ, тинчлик-омонлик, янаги ҳайитларда ҳам юз кўришиш насиб этишини тилашади.

Мусулмонлар байрами — Рамазон ва Қурбон ҳайитлари бутун ислом дунёсида кенг нишонланади. Ҳайит Аллоҳнинг бир ой мобайнида рўза тутиб, нафсини тийиб, ёмон ишлардан қайтиб, фақат яхшиликларга интилган бандаларига мукофотидир. Ҳайитнинг ҳислатлари кўп.



Одамларнинг мана шу муқаддас кунда ўзлари билиб-билмаган ҳолда савоб ишларни қилишлари ҳам Ҳайитнинг бир фазилатидир.

Ҳа, инсонларга меҳр ва шодлик, шукроналик ва бахт улашувчи бу байрам бир пайтлар кўп миллий ва қадимий қадриятларимиз қаторида таъқиқлаб қўйилди. Ҳайитни эскилик сарқити, хурофот деб расман қатағон қилганлар уни кўнгилларда, кенгликларда ман этишнинг имконини топа олмадилар. Бандасидан эмас, фақат ёлғиз Яраттандан қўрққан одамлар ички бир ҳадик билан ҳайитни нишонлайвердилар. Тангри таоло катталар қаторида ўзи суйган кичикларнинг дилига ҳам меҳрни солиб, қўрқувни олган эди, шекилли, улар ҳам рўза тутдилар. диний илм ўргандилар, ҳеч қандай тазйиқлардан чўчимасдан, муборак байрамга бордилар.

Яраттанга шукрким, бугунги кунда у кунлар биз учун хотира, ёшлар учун эртакка айланди. Республикамиз мустақиллика эришгач, елкамизга офтоб тегди. Миллий ва маданий қадриятларимиз тиклинди. Юртбошимизнинг фармони билан Ҳайит куни дам олиш куни, деб эълон қилинди. Мустақиллик шарофати билан маънавий қадриятларимизга эшиклар кенг очиб берилди. Очилган эшиклар эса кўнгилларни очмоқда. Қалбларга меҳр-муҳаббатни, инсофу диёнатни, ор-номусни солмоқда. Одатда, ҳеч кимнинг кўнглига зўрма-зўраки, мажбурлаб бирор бир динга, мазҳабга ёйинки бирон кунга, нарсага имон-эътиқодни жойлаб бўлмайди. Биз мустабид тузум даврида баъзи байрамларни кўрдик, нишонладик. Лекин. уларнинг ҳеч бирини юракдан ҳис қилмадик. Ўзимизнинг Наврўзи айём, ийди Рамазон ва ийди Қурбон байрамлари қон-қонимизга, жон-жонимизга сингиб кетганлигидан уларни ўша тазйиқли кунларда ҳам нишонлайвердик.

Мана, бугун биз муборак Рамазон ҳайитига яна бир бор юзма-юз бўлдик. Илойим, Яраттаннинг ўзи бу ҳайитдан у ҳайитгача халқимизни тинч-омон, юртимизни осойишта сақласин. Биздан ризқу рўзни, меҳр-оқибатни, инсофу диёнатни айирмасин. Иншооллоҳ, шундай бўлсин. Келинг, бугун «насиб» дея дуога қўл очайлик.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЛИМ АКАНИНГ ОИЛАВИЙ ЭКИПАЖИ

Бу ўзига хос ишчилар оиласи билан танишувим жуда қизиқ бўлди.

«Тошкент — Москва» йўналишидаги 5-фирма поездида йўловчи сифатида менга озгина ёрдам керак бўлиб қолди. Илтимосим кўп уринишни талаб қилмасди. Шунга қарамасдан, бизнинг купеда тезда вагон соҳиби, унинг кетидан поезд бошлиғи пайдо бўлди. Кейинроқ эса бир-бирига жуда ўхшаш, темир йўл кийимидаги бошқа кишилар ҳам кириб келишди. Буни қўшнилар ҳам сезган шекилли, «Қойил, буларнинг ҳаммаси бир оила фарзандларига ўхшайди-я»деб, ҳайратини яшира олмадилар.

Биз бу сочига оқ туша бошлаган киши бошчилигидаги жамоанинг йўл-йўлакай бошқа қийин ишларни ҳам қойилмақом қилиб бажараётганининг гувоҳи бўлдик. Улар фирма поездини гўё трамвай каби ҳис этиб, йўлларда бирорта чиптасиз йўловчининг чиқишига йўл қўйишмади. Вагонларнинг бирига безори боллалар томонидан бирин-кетин тошлар отилганда эса ҳаммаси вагонма-вагон югуриб, келтирилган заарни ҳисоблаган ҳолда йўловчиларни совуқдан ҳалос қилиш ҳақида қайғурди. Тезда ойна синиқлари териб олиниб, йўловчилар бошқа купега кўчирилди. Сўнгра экипаж аъзолари ўзлари тайёрлаган таомларни ҳар биримизга улашиб чиқдилар.

Салим Мусаев ва унинг йигитлари билан танишувимиз ана шундай бўлди. Кейинроқ уларнинг бамисоли битта оиладек бир-бирига ёрдам беришининг боиси ҳам ойдинлашди. Ҳақиқатан, бу жанговар жамоа ота-бола, ака-ука ва қариндошлардан иборат экан. Улар Қозоғистоннинг бепоён далалари, Россиянинг қуюқ ўрмонлари орқали «Ўзбекистон» фирма поездини ишонч билан бошқариб боришарди.

Салим Мусаевнинг темир йўлда меҳнат қилаётганига қирқ йиллан ошди. Бошқача айтганда, у бутун умрини темир йилдираклар устида ўтказган фахрийлар

сирасига киради. Ўтган давр мобайнида Салим ака қанчадан-қанча поезд йўналишларини кузатиб борди. Ва, табиийки, иш жараёнида кўплаб қийинчиликларни матонат ила енгди. Бир мисол. Бундан бир неча йил муқаддам «Олга» разъездида кутилмаганда поезд издан чиқиб кетди. Оқибатда, Салим аканинг бир ҳамкасби ҳалок бўлди. Унинг ўзини эса худо сақлаб қолди. Бошқа бир бекатда эса олдинда кетаётган эшелоннинг олтита вагони узилиб, орқага шитоб билан сурилди-да, Салим ака кузатиб бораётган поездга келиб урилди...

Бундан ташқари, поезд бошлиғи шу йиллар ичида қанчадан-қанча тартиббузарликларнинг олдини олди. Бир гуруҳ жиноятчиларни ушлаб, милиция ходимларига топширди. Бир гал ҳатто купеда фарзанд кўрган аёлга доялик қилди...

Унинг шериклари ҳам ўзини суву ўтга ташлашга тайёр турадиган йигитлардан. Кўпчилиги, юқорида айтганимиздек, отанинг фарзандлари ва қариндошларидир. Айни чоғда кўп йиллардан бери Салим ака билан бирга ишлаб келаётган кишилар ҳам унинг ўз болаларидек бўлиб қолган. Чунки ҳозирги кунда жамоада 32 нафар вагон соҳиби ва ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда.

Бригадада илгари ишлаб, устоздан кўп нарса ўрганган йигитлар эса ҳозир янги жойларда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар. Масалан, бир вақтлар вагон соҳиблари бўлган А. Қодиров, Х. Исҳоқов, И. Умаровлар пенсияга чиққан ҳолда маҳалла қўмиталарини бошқармоқдалар. Суҳбат асносида жамоа сардори, айниқса, «2-Тошкент» йўловчилар депоси бошлиғи Фаррух Дадахўжаевнинг номини фахр ила тилга олди. Чунки у ҳам қачонлардир мазкур фирма поездида вагон соҳиби бўлиб хизмат қилган эди. Бу ҳақда Ф. Дадахўжаев шундай дейди:

— Устоздан нафақат иш юритишни, балки кўпгина инсоний ҳислатларни ўргандим Ҳозир ҳам бир-биримизни тез-тез йўқлаб турамиз.

Поезд бошлиғи, гарчи ўз қўл остидагиларга талабчан бўлса-да, уларга гўё отадек муносабатда бўлади, юзага келган муаммоларни биргаликда ҳал қилади.

Бугунги кунда, маълумки, поездни йўловчилари билан узоқ юртларга олиб бориб-келишнинг ўзи бўлмайди. Чунки йўлда унинг кўзига кўринмайдиган қисмларидан бири ишдан чиқиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунда, албатта, эҳтиёт қисмлар керак бўлади. Уларни йўл-йўлакай сотиб олиш эса катта маблағ талаб этади. Шу боис тажрибали жамоа сардори зарур эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материалларини ўзи билан олиб юради. Натижада, эшолон йўлда кўп вақт туриб қолмасдан, йўловчилар ўз вақтида манзилга етиб бормоқдалар. Бунда, шубҳасиз, унинг фарзандлари Дониёр ва Ҳайдар, куёви Фахриддин ва қайниси Зиёвуддинларнинг ҳиссалари катта. Улар ота изидан бориб, бригада аллақачон қўлга киритган «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг энг яхши жамоаси» деган фахрли номга муносиб бўлиш учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири
СУРАТДА: Салим Мусаев ва унинг оилавий экипажи.
А. РАҲИМБОЕВ олган сурат.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 19 февраль куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ион Попеску бошчилигидаги бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури миссияси аъзолари билан учрашди.

Учрашувда БМТ тараққиёт дастури миссиясининг мамлакатимиздаги давлат бошқарув органлари, ҳуқуқ, ижтимоий ҳимоя, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан бўлган учрашувлари самарали ўтгани таъкидланди. Республикамиз билан БМТ ўртасида инсон ҳуқуқлари ва давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борада ишлаб чиқилаётган лойиҳаларни амалга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, жорий йили Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида Тошкентда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференция ўтказиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашувда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

(ЎзА).

Чорва қишлови қандай кечмоқда?

ЧЎПОНЛАР ҲЕЧ НАРСАГА ЗОРИҚМАЯПТИ

Ёрдам беролмасанг-да, бировнинг кўнглини олсанг, аҳволи билан қизиқсанг, кўнгли кўтарилади. Қишли-қировли кунларда бир оғиз ширин сўз, айниқса, чўпоннинг минг бир дардига малҳам бўлади. Шу ниятда Навоий вилоятининг Нурота туманига йўл олдик.

Чорвадорлар ўзаро суҳбатларда қўй-қўзиларнинг сони жиҳатидан миллионер вилоятда истиқомат қилаётганлигидан фахрланиб гап бошлашади. Дарвоқе, Нурота, Томди, Учқудуқ, Конемех каби туманлар чорвачиликка тўлиқ ихтисослашган. Республикамизда етиштириладиган қорақўл тери, жун ҳамда бошқа чорвачилик маҳсулотларининг катта қисми шу туманлар чорвадорлари ҳиссасига тўғри келади. Бугун вилоятнинг барча туманларида қишлов мавсуми муваффақиятли кечмоқда. Яраттаннинг иноятимикан, Учқудуқ, Томди ва Конимех туманлари яйловларида ҳали қор «ётиб» қолгани йўқ. Фақатгина Нурота туманининг «Нурота» ва «Қизилча» жамоа хўжаликлари яйловларида 19 январь куни ёққан қор гоҳ эриб, гоҳ устига қўшилиб, кетмай турибди. Кечалар аёзли, ер музлаяпти. Кундуз кунлари ҳам ҳаво ўзгарувчан. Хуллас, Нуротада қиш чинакамига «ишга» киришган. Бу эса табиийки, чўпонга ташвиш. Ем-ҳашакни қўятурайлик, қўралар ва ташқари ётоқларни қордан тозалашнинг ўзи бир кунлик юмуш. Қор эса шундан буён устига-устак беш марта ёғибди. Лекин чўпон халқи сабр-бардошли. Меҳнатдан қочмайди, ташвишдан нолимайди. У шу касбни тақдир деб билган. Шунинг нонини еб, унинг ортидан элга тўй беради. Қишнинг аёзли кунлари, ёзнинг гармселларида чеккан заҳматлари эвазига эл орасида қаддини ғоз тутади. Фақат табиат унинг қўлини калта қилмаса бўлгани, қийинчиликлардан қочмайди. «Нурота» жамоа хўжалигида яна бир бор бунга амин бўлдик. Хўжаликда бугунги кунда 50 мингдан зиёд қўй, 441 бош йилқи, 10 дан зиёд туя боқилмоқда. Ўтган йили давлатга 56 тонна ўрнига 67 тонна гўшт, 18 минг 800 ўрнига 19 минг 126 дона қорақўл тери, 90 тонна ўрнига 97 тонна жун топширилган. Бу йилги режалар ҳам чакки эмас. Аммо раис муовини Баҳри Узоқов кўпроқ муаммолар ҳақида тўхталди.

— Қорнинг кўп бўлиши яйловга яхши эмасмикан? — сўраймиз ундан.

— Яхшиликка яхшику-я, қани энди ёғиб, эртасига эриб кетаверса. Кундузи эриб, кечаси музлагани ёмон. Қўйнинг туёғини қирқиб ташлаяпти. Юролмай қолади жонивор. Яйловга чиқармай боқишга кўп ем-хашак керак. Бунинг устига қўйнинг ўпкасини олдириб қўйиш ҳам мумкин.

— Баҳринг сўзларида жон бор, — суҳбатимизга қўшилади хўжаликнинг 2-бўлим бош чўпони Хушвақт ака Омонжўлов. — Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Бунинг устига 500-600 қўй бор. Бир килограммдан берсанг кунига ярим тонна ем керак. Ростини айтсам, ука, қўйнинг ризқи яйловда. Яйлов очиқ бўлса, бир грамм ҳам ем-ҳашак керак эмас.

Хушвақ акани саволга тутиб, чўпонларга муносабат, ғамхўрлик ва ҳоказолар ҳақида сўраймиз. Шу тариқа чорвадорлар билан суҳбатимиз аста-секин муаммоларга бориб тақалади.

— Яйловимиз йилдан-йилга қисқариб бормоқда, — деди бўлим мудири Қамариддин Ермонов. — Айдаркўлнинг суви кўпайиб, 20 дан ортиқ отаримиз уй, қўра, ётоқлари билан сув остида қолиб кетганди. Ёғоч ва шиферларнигина сақлаб қолишга улгурдик.

— Суғурта ташкилотларидан мадад олдингларми?

— Э, — қўл силтайди суҳбатга аралашган хўжалик бош зоотехниги Қудратилла Муродинов. — Тошкентдан келганлари видеога олиб қўйинглар, дейишганди. Олдик, ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб жўнатдик. Ҳеч гап йўқ. Қўй-қўзиларимиз эса йилдан-йилга кўпайяпти. Аслида ҳар икки қўйга бир гектардан яйлов тўғри келиши лозим. Бизда эса ҳар икки чақиримда бир отар. Ҳар бирида 500-600 талан қўй бор.

— Менинг ота-бобом шу ерларда чўпон ўтган, — деди Қ. Ермонов. — У пайтларда отарлар бир-бирига кўринмасди. 20-30 километр узоқликкача қўй боқиб кетиларди. Қишда, баҳорда, ҳар бир мавсумда алоҳида яйловимиз бўларди. Ўша қўйларни қўй десанг... Ҳар бири 30—40 килограммдан тош босарди.

Вилоят чўпонларини ташвишга солаётган муаммолар биргина бу эмас. Чўпонлар ҳузуридан қайтарканмиз, атрофни секин кузатамиз. Чор-атроф оппоқ қорга бурканган... Унда-бунда кўзга ташланадиган ёвшан буталари бўлмаса, бу оқликдан кўзинг қамашиб, ҳеч нарсани илғай олмай қоладигандек туюлади. Лекин кўнгил барчасини илғайди. Ҳа, бугун чўпон олдига минглаб, «нега?» деган саволни қўйиш мумкин. Бироқ, унинг жавоби, ечими, бийдек чўлларда эмас, катта-катта бинолларда ҳал бўлиши лозим. Навоий, Бухоро гўшт комбинатлари, Бухоро қорақўлчилик заводи, Келес жун фабрикаси халигача бу заҳматкаш чўпонлар етиштирган маҳсулотлари пулларини берганича йўқ. Биргина Келес жун фабрикаси нуроталиқ чорвадорлардан анча-мунча қарздор. Ажабланарлиси — қарзлар йилдан-йилга узилиш ўрнига ошиб бормоқда.

Икки довондан ошиб, овул қорайиб кўринди. Уй мўрисидан тутун осмонга ўрлайди. Уйдан 7-8 ёшлардаги бола чиқади. «Отанг қаерда?», — деган саволимизга, «Қўрада» дейди бурнини тортиб.

Овулнинг бошлиғи Хурсандбек ака қўрада ҳолсизроқ деб ажратилган қўйларга ем бераётган экан. У кишидан ҳол сўраймиз.

— Ҳа, энди қиш — қишлигини қилади-да, — дейди қисқагина. — 50 тоннага яқин ҳашагимиз бор. Шунга ишониб айтаман, қишни беталофат ўтказамиз. Бултур ҳар юз бош совлиқдан 103 тадан қўзи олган эдик. Бу йил 104 тани мўлжаллаб турибман. Раислар электр токи ўтказиб бераман, деса, 105 таям қилаверамиз-да! Узоқ эмас, ҳув ана икки километр наридан ўтган.

Хурсандбек ака билан суҳбатимиз қисқа бўлди. Бизнинг сўрашимизни кутиб ўтирмай, гапнинг индаллосини айтди. Афтидан, бу гаплар кўп такрорланган.

— «Чорванинг бир ўзи билан кун кечиришимиз оғир. Электр токи олиб келинса, 10 гектар ерга беда ва буғдой экишни мўлжаллаяпмиз. Қудуғимизнинг чуқурлиги 14—15 метр, суви кўп. Бензин билан сув тортиш эса қимматга тушади. Ток келса экин-тикин қиламан, бозорга бормайдиган бўламан».

Суҳбатга хўжалик раҳбарияти аралашади. «Худо хоҳласа, шу йил иқтисодиётимизни анча ўнглаб оламиз, дейди улар. — Маҳзар эқдик, манто ва пўстин ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Яқинда ўнтасини 140 минг сўмга пулладик. Бу ҳали бошланиши».

Ана шундай қатор муаммолар мавжудлигига қарамай, хўжаликда бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритилмоқда. Энг муҳими улар қишловга пухта ҳозирлик билан келишган. 7 тоннадан зиёд пахта ёғи, 1,5 минг дона этик, иссиқ кийимлар, хуллас хўжалик омборида чой, совун, шакар ва новвотдан тортиб, кир ювиш машиналари-ю, телевизорларгача бор.

— Биз чўпонлардан қарздор эмасмиз, — дейди Баҳри Узоқов. — Аксинча, улар биздан қарз. Кимнинг пули бўлса, биздан хоҳлаган нарсасини олсин. Тиш ювиш пастаси-ю, ун, бўғдойгача мавжуд. Хўжалигимиз Россия, Украина каби мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган.

Бир сўз билан айтганда, нуроталик чорвадорлар ҳузурида бўлиб, уларга бугунги қиш ҳам, қор ҳам писанд эмаслигига амин бўлдик. Қорни эса қаловини топган одамгина ёқади.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЕР ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПМОҒИ КЕРАК

ёки Дуч келган одам пудратчи бўлаверадими?

ҒАЛЛАЧИЛИКНИ ривожлантириш, халқни ўзимизда етиштирилган дон маҳсулотлари билан таъминлаш, яъни ғалла мустақиллигига эришиш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Ҳукуматимиз кўрсатмасига асосан 1996 йил бу соҳада ҳал қилувчи йил бўлмоғи керак. Элим деб, юртим деб яшаётган, ўз ишига, касб-корига садоқатли кишилар шу олижаноб мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилишаётир. Аммо баъзи туманларда кўнгилни хира қиладиган камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Когон туманидаги «Пролетаробод» бўрдоқичилик хўжалиги гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиштирган бир пайтда чўчқачилик комплекси 13, «Бўстон» жамоа хўжалиги 14, Баҳоуддин Нақшбанд номли жамоа хўжалиги 17, «Бухоро» жамоа хўжалиги 17,8 центнердан ҳосил олган. Битта туманда кўрсаткичлар нега ҳар хил?

— Баъзи жамоа хўжаликларининг ерлари ҳаддан ташқари шўрланган, зах сув юқори кўтарилган, — дейди деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Азиз Аҳмедов.

Хўш, бу ерларда шўрлаш ўта кучли, зах сувлар юқори кўтарилиб қолганини энди сезяпсизми? Ўтган йил ҳам, ундан олдин ҳам худди шундай бўлган-ку. Туман агросаноат уюшмаси юқоридаги жамоа хўжаликларига ерларга агротехник ишлов бериш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида маслаҳат бермаса, амалий ёрдам кўрсатмаса, унда нима иш билан шуғулланади? Вазифа фақат жамоа хўжаликлари раисларини ишдан бўшатиб, ишга тайинлашми? Ерни шўр дейиш билан елкангиздаги масъулият камайиб қолмайди-ку ахир. Халқимиз оддийгина қилиб: «Ерни боқсанг ер ҳам сени боқади», дейди.

1996 йил ҳосили учун туманда 4400 гектар ерга ғалла экилган. Унинг 300 гектарида ҳалигача уруг униб чиққани йўқ. Айрим майдонларда майсанинг қалинлиги лозим даражада эмас. Туманда атиги 16 та ғалла ўрадиган техника мавжуд, унинг нечтаси ишга яроқли эканлиги эса бизга қоронғу. Чунки уларнинг кўпи аллақачон эскирган, шу боис бир маромда ишлайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Агар ўтган йили давлатга топширган пахталари пулини олишса, янги техникалар харид қилиш имконияти туғиларкан.

«Бўстон» жамоа хўжалигида оилавий пудрат бошлиғи Тўра Бозоров билан суҳбатлашдик. У икки йилдан бери пудрат усулида ғалла етиштираркан. Ўтган йили жамоа, хўжалиги билан тузилган шартномасини кўрсатолмади. Иш юритадиган дафтари ҳам йўқ. Олдинги йили режа бўйича 2 гектар ердан 5 тонна ғалла топшириши керак бўлгани ҳолда 2,5 тонна маҳсулот етказиб берган. Лекин ҳалигача йиғиб топширган ғалласи учун ҳақ олмаганини айтди. Ҳайрият, 1990 йил учун шартнома тузилган экан. Унда кўрсатилишича, ҳар гектар ерга 30 тоннадан маҳаллий ўғит солиш лозим. Афсуски, пудратчи шу кунгача бир тонна ҳам маҳаллий ўғит ташламаган. 22 ёшли бу йигитча оилавий пудратда бир ўзи ишлашини айтиб, кўп саволларимизга жавоб беролмади.

Биз Баҳоуддин Нақшбанд жамоа хўжалигидаги Насим Сачоқов бошлиқ оилавий пудрат ишини ҳам кўрмоқчи бўлдик. Хўжалик бошқаруви раиси Шермат Бузруков Сачоқов Қоровулбозорга ишга кетганини, бу йил унга пудрат учун ер берилмаганини маълум қилди. Аммо пудратчиларнинг 1996 йилдаги руйхатини олиб қараганимизда Н. Сачоқов фамилияси тўғрисида «7 гектар» рақамига кўзимиз тушди. Қизиқ, нега бизни алдашяпти?

— Бу шунчаки, англашилмовчилик, бундай бўлмаслиги керак, — дейди Ш. Бузруков.

Туманда экинларни пайҳон қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Туман прокуратурасидан олинган далилларга кўра айбдорлар 495 квадрат метр ғаллазорни пайҳон қилиб, 6520 сўмлик зарар етказишган. «Бўстон» ҳамда «Гулистон» жамоа хўжаликларида бундай тартибсизлик, айниқса, авжига чиққан. Ахир бу нонни оёқ-ости қилишдек гап-ку. Ҳолбуки, дуч келган одам пудратчи бўлса, ер қаровсиз қолади, умри беҳуда ўтади. Зеро, жамоа хўжаликлари ҳам тегишли ташкилотлар пудратчи ва мулкчиликнинг турли шаклига ўтиб, ғалла етиштираётганлар билан тузган шартномаларини сўзсиз бажармоқлари зарур.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАҲАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Наманганликларга яна бир қулайлик яратилди. Шаҳар марказидаги «Сардоба» даҳасида миллий услубда қурилган бозор мажмуи фойдаланишга топширилди.

Мазкур бозорнинг умумий майдони 7 минг квадрат метрни ташкил этади. Бу ердаги 20 дан ортиқ савдо дўконлари, ёпиқ деҳқон бозори аҳолига маиший, маданий хизмат кўрсатиш иншооотларининг ҳаммаси миллий, Шарқ меъморчилиги асосида қурилгани боис ҳамманинг эътиборини тортади. Муҳими — бу ерда сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам барча қулайликлар яратилган.

— Бу ерда илгаридан деҳқон бозори бўлган, — дейди шаҳар бош меъмори Абдужаббор Абдуғаффоров. — Кейинги йилларда шаҳар аҳолисининг кўпайиши натижасида бозор торайиб, унинг атрофи ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Бу ҳол кундан кун чирой очиб бораётган шаҳримиз ҳуснига соя ташлаб турарди. Ниҳоят, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг ташаббуси билан эски бозор ўрнида барча қулайликларга эга бўлган янги бозор мажмуи қуришга қарор қилинди.

Беш ой давомида 15,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 2-«Вилоятжамоақурилиш» трести қурувчилари икки сменада меҳнат қилдилар.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

GazmolAnd

«ГАЗМОЛАНД»

Ўз ҳиссадорларини ва барча мўмин мусулмон бирадарларни «РАМАЗОН ҲАЙИТИ» билан қизғин муборакбод этади ҳамда уларга Оллоҳ таоллодан мустақил Ватанимиз юксалиши йўлида улкан ютуқлар, бахт ва омад, сиҳат-саломатлик ва қут барака тилаб қолади.

«ГАЗМОЛАНД»
акциялари эгалари диққатига:

Андижон вилояти «ГАЗМОЛАНД» ҳиссадорлик жамияти 1995 йил фаолияти якунлари бўйича ўз акциялари номинал қийматига нисбатан 300 (уч юз) фоиз миқдорида дивидендлар тўланишини эълон қилади.

Тўловлар 1996 йил 15 мартдан бошлаб амалга оширилади.

«ГАЗМОЛАНД» шунингдек,

1996 йилдан бошлаб, ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 5342 (беш минг уч юз қирқ икки) дона акциялар чиқаргани ҳамда улар январь-март ойлари давомида биринчи навбатда дивиденд олувчилар учун, сўнгра эса барча хоҳловчилар учун ўз номинал баҳосида сотилажагини маълум қилади.

«ГАЗМОЛАНД»

Акцияларига талаб катта, уларни сотиб олишга шошилинг. Ютқазмайсиз. Иншоолоҳ!

Мурожаат учун манзил:

710020 Андижон шаҳри, Ахтачи саноат ҳудуди

Телефонлар: (37422) 9-12-46, 9-11-46,

Факслар: (37422) 5-13-37, 5-69-43.

БОБУРНИ ЁД АЙЛАБ

Андижонда буюк шоир, давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд куни кенг нишонланди.

Олимлар, шоир ва ёзувчилар, талабалар, жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар Йўлдош Охунбобоев номли вилоят драма ва мусиқали комедия театрига тўпланди. Сўзга чиққанлар Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг бой адабий мероси ҳақида гапирдилар.

Кечада Бобур жамғармаси адабиёт, журналистика ва санъат соҳасидаги энг яхши асарлар бўйича эълон қилган танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

АНҒРЕН ҚОҒОЗИ

«Ангренсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили буғдой сомонидан целлюлоза ишлаб чиқариш тажриба қилиб кўрилган эди.

Корхонада республика ҳукумати кўмаги билан «Тарх» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари яратган, каноп, буғдой сомони ва похолдан йилига 20 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган линия ўрнатилди.

Ангренда яна иккита шундай линия қурилади. Натижада, йилига қоғоз ишлаб чиқариш учун зарур бўлган 60 минг тонна целлюлоза тайёрланади.

«Сино»нинг янги маҳсулоти

Самарқанддаги машҳур «Сино» совутгичлар ишлаб чиқариш корхонаси ўтган йили республикамизга ва Ҳамдустлик мамлакатларига 60 минг дона бир ва икки камералик холодильниклар ва турли хилдаги пештахта совутгичлари етказиб берди.

Яқинда бу ерда савдо ходимларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, металл ва пластмассадан ясалган турли пештахталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Қисқа вақт ичида бу маҳсулотга бўлган талаб анча ортди. Бугунги кунда уларни республикамиздан ташқаридаги — қўшни Қозоғистон ва россиялик мижозлар ҳам жон деб харид қилишяпти.

Суратларда: чилангар-йиғувчи Гулбаҳор Қосимова; корхонанинг кўргазма залида.

Т. Норқулов олган суратлар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
20 ФЕВРАЛДАН 10 МАРТГАЧА
ФАҚАТ ЙИГИРМА КУН
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ
ЮЛДУЗЛАРИ - ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ
ИККИ БЎЛИМЛИ РАНГ-БАРАНГ
ДАСТУРЛИ
ТОМОШАЛАРИДА
Акробатика, гимнастика, эквилибристлик мувозанати ва жанглёрлик санъатида жаҳоншумул ютуқларга эришган артистлар қатнашади.
Томошалар
СОАТ 10.00, 14.00 ДА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ 12.00, 15.00 ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ЧИПТАЛАРНИ БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИНГИЗ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
44-35-91, 44-29-04.

Alka-Seltzer®

Қуйидаги дорихоналардан сўрашингиз мумкин:
1. "ФАРМЕД"
тел.: 47-98-90, 47-98-94, 47-37-69, 45-26-42, 45-22-52, 67-96-12, 65-59-60, 48-94-87;
2. "АБУ АЛИ ИБН СИНО"
тел.: 40-48-53 44-24-34, 40-48-06;
3. "ЎЗБЕКИСТОН-ИВЕРСОН ЛТД"
тел.: 45-12-49, 45-13-72, 77-45-28, 36-27-74;
4 "ЖЎРАБЕК"
тел.: 45-60-40, 45-41-46.

БАЙЕР АГ фирмасининг препарати бўлиб, у бутун дунё микёсида бош оғриқларида ва шу билан бир вақтда ошқозон суюқлигида кислота миқдори ошиб кетганда кенг миқёсида қўлланади.

Bayer

Шартнома тузиш бўйича БАЙЕР АГнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасига 53-70-01 телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИ ТАНЛОВИГА

I. СОҲИБҚИРОН ВА МИСР СУЛТОНЛАРИ

Тарих фанлари доктори Аҳаджон Ҳасанов 1962-1963 ва 1966-1969 йиллари собиқ СССРнинг Қоҳирадаги элчихонасида хизмат қилган. Бўш вақтларида Миср давлат кутубхонасида Темур ва темурийлар даврига оид араб манбаларини ахтариб, мутолаа қилган ва Ватанга анча-мунча микрофильмлар тўплаб қайтган. Аммо ўша йиллари бу мавзу билан матбуотда чиқиш имкони бўлмаган, тўғрироғи, «маслаҳат» беришмаган. Шундан сўнг у илмий изланишлар йўналишини ўзгартиришга мажбур бўлган. Тўпланган маълумотларнинг деярли барчаси XIV аср охири ва XV асрда яшаб ижод этган Ибн ал-Фрот (вафоти 1404 й.), Ибн Халдун (вафоти 1405 й.), Ибн Дўқмоқ (вафоти 1406 й.), ал-Мақризий (вафоти 1441 й.), ал-Айний (вафоти 1451 й.), ал-Асқилоний (вафоти 1448 й.), Ибн Арабшоҳ (вафоти 1450 й.), Ибн Тағриберди (вафоти 1469 й.), ас-Сайрафий (вафоти 1494 й.), ас-Саховий (вафоти 1496 й.), ас-Суютий (вафоти 1505 й.) ва Ибн Иёс (вафоти 1524 й) каби Миср тарихчилари, яъни Амир Темур билан боғлиқ воқеаларнинг бевосита шоҳидлари ёки асрдошларининг кўпжилдли асарларидан олинган. Қуйида шу маълумотлар асосида ёзилган мақолалар биринчи бор эълон қилинмоқда.

XIV аср охири — XV аср бошлари ҳар иккала минтақа Марказий Осиё ва Миср тарихида воқеаларга бой ва муҳим даврлардан бири ҳисобланади. Бу пайтда мўғуллар ҳукмронлигидан батамом халос бўлган Марказий Осиё соҳибқирон Амир Темур томонидан йирик давлатга бирлаштирилган ва у минтақада фаол ташқи сиёсат олиб бораётган эди. Миср эса 1382 йили ҳокимият тепасига черкес мамлуклари деб ном олган гуруҳнинг бошлиғи Барқуқ келган бўлиб, бу гуруҳ султонлари то 1517 йилгача Миср, Сурия, Ироқ ва Ҳижозни ўз ичига олган катта мамлакатни бошқардилар.

Амир Темур Фрот дарёсининг юқори қисмидаги асосан Миср султонига вассал ҳолатда бўлган бир талай майда ҳокимликларни ўзига тобе қилгач, ҳар иккала йирик давлат чегаралари туташди ва XIV аср охирларида улар орасидаги муносабатлар кескинлашди. Амир Темур аскарларининг Бағдодни ишғол қилиши ва, айниқса, Миср мамлуклар султонлиги таркибига бевосита кирган Сурияга келиши ўзаро урушни муқаррар қилиб қўйди.

XIV аср охири ва XV аср бошида юз берган бу муносабатлар ҳалигача фанда махсус ўрганилмаган. Ушбу мақола асосан Амир Темур ва Миср султонлари ўртасида юз берган хат айирбошлаш мавзусига бағишланган. Гап шундаки, нисбатан қисқа муддат ичида (1386-1405 йиллар) Амир Темур Миср султонлари Барқуқ (1382-1399) ва Носир Фараж (1399-1412) ҳамда уларнинг Суриядаги ноиблари билан 20 мартадан ортиқ элчилар ва хат айирбошланган. Мазмун ва моҳияти жиҳатидан Миср султонларининг Сурия ва Ироқдаги ноиблари ва вакилларига йўлланган хатлар бевосита султонларга юборилганидан кескин фарқ қилганлиги табиий. Масалан, Мардин ҳокими Мажидиддин Исо (1386 й.), Бағдод ҳокими Аҳмад бин Увайс (1393 й.), Қайсария, Тўқот ва Сивос ҳокими Ал-Қози Аҳмад (1393 й.)ларга ёзилган хатларда Амир Темур мазкур ҳокимлар томонидан ўз ҳомийлари — Миср султонига нисбатан у ёки бу шаклда ифода қилинган сепаратистик кайфиятлардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Баъзи ҳолларда Амир Темур муайян ноибга ўз вазифасида қолдиришни ваъда қилган. Миср султонларига етказилиши керак бўлган хатларда эса Амир Темур бир томондан, ўз куч-қудратини намойиш қилишга интилган бўлса, иккинчи томондан, бевосита тўқнашувдан ўзини четга олмоқчи бўлгани сезилиб турибди.

Мактубларнинг тили ҳақида икки оғиз сўз. Москвалик тилшунос олим Э. Нажиб XIV аср охиридаги Миср мамлуклари тилини ўрганиб, шу хулосага келдики, улар туркий тилда сўзлашганлар ва, энг қизиғи, уларнинг тили Алишер Навоий ижод қилган «чиғатой», яъни ҳозирги ўзбек тилига жуда яқин бўлган. Аммо биз таҳлил қилаётган хатлар ўша даврдаги ислом оламида ва форс тилларида ёзилган.

Кўпчилик Миср тарихчилари ғувоҳлик беришича, Амир Темур Миср султони Барқуққа ўзининг биринчи хатини 1393 йили йўллаган. Шу йил октябрь ойида Бағдод шаҳрини ишғол қилгач. Амир Темур ўша даврда Мовароуннаҳрнинг таниқли кишиларидан ҳисобланган Шайх Сувоҳ бошчилигидаги ўз элчиларини Бағдоддан Қоҳирага қимматбаҳо ҳадялар ҳамда султон номига хат билан жўнатди. Аммо султон Барқуқнинг буйруғига кўра Сурия чегарасидаги ар-Раҳба деган жойда элчилар ҳибсга олинди, совғалар ва хат тортиб олиниб, Қоҳирага етказилди. Шу нарса диққатга сазоворки, бу хатда Амир Темур Эрон ва Ироқ ўзаро чегарадош эканлигини эслатиб, «дўстона муносабатлар ўрнатиш, элчилар айирбошлаш ва савдогарларга иккала мамлакат ўзра эркин ҳаракат қилиш» имконини яратишни таклиф қилди. Султон Барқуқ эса ўша даврда эътироф қилинган дипломатик алоқалар қоидаларига ҳилоф равишда ўзининг Суриядаги ноибига элчиларни қатл қилиш ҳақида амр-фармон берди.

Айни вақтда Миср султони усмонлилар Туркиясининг султони Боязид, туркман «қорақўюнлилар» қабиласининг бошлиғи Қора Юсуф ва бошқалар билан Амир Темурга қарши иттифоқ тузишга уринди. Шу йили Барқуққа соҳибқиронда иккинчи хат келди. Бу сафар хат кескин руҳда ёзилган бўлиб, элчилар қатл қилингани ва Бағдоддан қочиб келган Аҳмад бин Увайсга ҳомийлик қилингани учун уруш билан таҳдид қилинганди. Хат араб тилида сажж услубида битилган, унда Қуръони каримдан 7 оят ишлатилганди. Ибн Арабшоҳ ва Ибн Тағрибердилар ушбу хат ва Барқуқ жавобининг тўлиқ матнини ўз асарларида келтирганлар.

Жавоб хатида султон Барқуқ ўз навбатида Қуръондан 9 оят ишлатиб, Амир Темурни худосизликда айблади, ўзини эса ислом динининг ҳомийси деб атаб, фақат «амир ал-мўминийн», яъни халифага итоат қилажагини эълон қилди. Шуни айтиш керакки, мўғуллар Бағдодни 1258 йили ишғол қилганларидан сўнг уч йил ўтгач, Миср мамлуклари Қоҳирада тиклаган аббосий халифаларининг сулоласи ҳануз давом этиб келар, аммо Қоҳира халифаларининг диний рахнамолиги батамом рамзий бўлиб, аслида улар султоннинг қўғирчоғига айланиб қолгандилар. Шу нуқтаи назардан Барқуқнинг даъвоси қуруқ сафсата эканлиги ўша давр муҳитида ҳаммага аён эди.

Кейинги беш йил мобайнида Амир Темур Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан уруш олиб борди, Ҳиндистоннинг Шимолий қисмини эгаллади ва 1398 йили яна Миср давлатининг чегараларига яқинлашди. Шу йил декабрь ойида у султон Барқуққа элчи орқали хат юборди. Хатда бундан ўн йил аввал Қора Юсуф Туркмоний томонидан асирга олиниб, 1394 йили Қоҳирага юборилган, Амир Темур хонадонига мансуб, Эрзерум яқинидаги Оник қалъасининг бошлиғи Аталмиш Кўчинни озодликка чиқаришни талаб қилинганди. Бу сафар ҳам элчилар Сурия чегарасида ушлаб қолинди, аммо хат Қоҳирага етказилди. Султон Барқуқ Амир Темур қўшинлари Миср ва Сурияга бостириб келишидан чўчиган бўлса керак. Ҳарқалай, Ибн ал-Фрот таъкидлашича, у Аталмишни ўз қўли билан Амир Темурга хат ёзишга ва бу ерда унга яхши муомала қилинаётгани ҳақида хабар беришга мажбур қилди. Шу билан бирга Барқуқ ўз номидан ҳам хат ёздириб, Амир Темур кишиларига озодлик фақат Барқуққа алоқадор бўлган барча асирлар қайтарилган ҳолдагина берилишини шарт қилиб қўйди.

1399 йили султон Барқуқ вафот этди. Мисрдаги беқарор сиёсий аҳволдан воқиф бўлган соҳибқирон шу йил октябрида янги султон Носир Фаражга мактуб йўллаб, унда отаси Барқуқнинг хатоларини «эслатаркан», яна Аталмиш қўйиб юборилишини талаб қилди. «Акс ҳолда, — дейилганди хатда — бу Сурия ва Мисрга қимматга тушади». Ёш, тажрибасиз султон ўзининг Ҳалабдаги ноибига элчиларни тутиб, зиндонга ташлашни буюрди.

Шундан сўнг Амир Темур аскарлари Сурияга ёриб кирдилар. Ал-Бехесна, Айнтоб ва Сивас каби шаҳарлар ва қалъалар деярли қаршиликсиз ишғол қилинди. Айнтобдан туриб, Амир Темур Ҳалаб шаҳрининг ноиби (ҳокими) Демирдош ва бошқа Сурия шаҳарларининг ҳокимларига мактублар йўллади. Уларда у Демирдошни бошқаларга раҳбар сифатида эълон қилиб, черкассларни сиёсатга фаҳмлари етмайди, деб баҳолади. Гап шундаки, бу пайтда Ҳалаб яқинида Сурия шаҳарлари ноибларининг қўшинлари тўпланган бўлиб, Амир Темурнинг хатлари очиқдан-очиқ мамлуклар орасига қўрқув солиш учун мўлжалланганди. Демирдош бироз тараддудга тушган бўлса-да, аммо кўпчилик ноиблар ҳужумга ўтишга қарор қилишди. Сурия ноибларининг бирлашган қўшинлари билан тўқнашувдан сўнг кучли Ҳалаб қалъаси ҳам қулади. Амир Темур ўғли Мироншоҳни Ҳама ва Ҳумс шаҳарларини ишғол қилишга жўнатиб, ўзи катта қўшин билан Дамашққа яқинлашди. Йўл-йўлакай ўзининг гўзаллиги ва қадимий басавлат устунлари билан Амир Темурни мафтун қилган Баалбек шаҳри олинди.

1400 йили Амир Темур Дамашқ шаҳрига яқинлаша туриб, султон Фаражга сулҳ тузиш, Аталмишта озодлик бериш, Амир Темур номидан танга зарб қилиш шартларини ўз ичига олган мактуб йўллади. Марказий Осиё — Миср муносабатларида биринчи бор султон Фараж элчиларни эъзоз-эҳтиром билан қабул қилди; улар олдида аскарларни саф тортдирди. Уларни ватанларига катта совғалар билан қайтарар экан, ўз элчиларини ҳам қўшиб жўнатди. Жавоб хатида султон Фараж Аталмишни беш кун муддат ичида озод қилажагини ваъда қилиб, Амир Темур давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Айни вақтда Миср султони аскарини тўплаб, кўрикдан ўтказди. Шайх ул-Ислом Сирож аз-Дин Умар ва тўрт мазҳаб қозилари умумий сарфарбарлик эълон қилдилар. Ниҳоят, 1400 йил охирида у ҳалифа ал-Мутаваккил ва қозилар ҳамроҳлигида ўз қўшинини Сурия тарафга сурди ва 1401 йил январида Дамашққа кириб келди. Иккала давлат бошлиқларининг охирги хатлари дўстона руҳда ёзилган бўлса-да, ҳар икки қўшин тўқнашувга қўрқув солиш учун мўлжалланганди. Шундай вазиятда Миср султонига Лочин исмли мамлук амири томонидан Қоҳирада унга қарши фитна уюштирилаётгани ҳақида хабар келди. Султон Дамашқни ўз ҳолига ташлаб, яшириН тарзда Қоҳирага жўнаб қолди. Шундан сўнг Амир Темур аскарлари узоқ вақт давом этмаган қамалдан кейин Дамашқни ишғол қилдилар.

Шу нарса диққатга сазоворки, Сурия шаҳарларининг деярли барчасини тобе қилган Амир Темур Миср ва Сурия эмас, балки йўналишни кескин ўзгартириб, Туркия томон отланди. Амир Темур ва Туркия султони Боязид ўртасида бир неча бор хат ва элчилар алмашингани маълум. Боязид устидан ғалабадан сўнг Ватанга қайтаётиб, Амир Темур Миср султонига навбатдаги мактубни йўллаб, унда яна Аталмишни озод қилиш ва ўз номига танга зарб этишни талаб қилди. Султон рози бўлган тақдирда Амир Темур Дамашқда асир олинган барча мамлук амирлари ва султон ноибларига озодлик беражагини ваъда қилди. Акс ҳолда Миср яксон қилинажаги ҳақида огоҳлантирилди.

Миср тарихчиси, «Қиём давлат алмамалик ас-санийа» китобининг муаллифи Абд ас-Саййид ёзишича, султон Фараж ниҳоят Аталмишни озод қилди: унга 5 минг дирҳам пул инъом қилиб, мамлук амирларидан бир нечасининг ҳамроҳлигида Амир Темур қароргоҳига жўнатди. Самарқандга яқинлашганда улар Кастилия (Испания) қироли Генрих III элчиси Рюи Гонсалез де Клавихо билан учрашдилар ва деярли биргаликда шаҳарга кириб бордилар. Бу Кастилиядан Темурга юборилган иккинчи элчи бўлиб, мисрликлар кўз ўнгида Амир Темур уларни жуда илиқ кутиб олди ва қирол Генрихни «ўғлим» деб атади.

1403 йили Аталмиш қайтиб келгач, Амир Темур султон Фаражга яна бир элчи йўллади. Элчи орқали жўнатилган хатда у Миср мамлук давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатиш рағбатини билдирган бўлса-да, султон Фаражга кўк рангдаги махсус икки байроқча бериб юборган эдики, бундан султон Фаражни ўзига вассал (тобе) билиб, Миср ва Сурияга ноиб сифатида тайинлаган деган маъно келиб чиқарди. Ўз навбатида султон Фараж ҳам элчига совуқ муносабатда бўлди ва умуман уни қабул қилмади.

Шу йили султон Фаражга соҳибқирондан яна бир нома келди. Унда Аҳмад бин Увайс ва Қора Юсуф Туркмонийлар Амир Темур томонидан Бағдодда қолдирилган гарнизонга ҳужум қилганлари муносабати билан норозилик билдирилганди. Жавоб хатида султон Фараж Аҳмад бин Увайс ва Қора Юсуф Ҳалаб ноиби томонидан ушлангани ва уларнинг тақдири шу ноиб тасарруфида эканини хабар қилди. Шундан сўнг Амир Темур ва Носир Фараж ўртасида яна бир неча бор элчилар алмашинди.

Келтирилган далиллар шуни кўрсатиб турибдики, икки мамлакат ҳокимлари ўртасидаги муносабатларда деярли ҳар доим ташаббус соҳибқирон Амир Темур томонида бўлган. Аммо кўтарилган масалаларнинг нисбатан торлигидан шундай хулоса қилиш мумкинки, хатлар алмашинуви Амир Темур учун ўзига хос дипломатик «баҳона» бўлган. Аслида у Мисрга юриш қилишни режалаштирмаган, балки, аксинча ўзининг энг асосий рақиблари — усмонли турклар ва Мин Хитойга ҳужум қилишдан олдин Мисрни «нейтраллаш» ва иложи бўлса уни «тинч» йўл билан тобе қилиб, сўнг ундан мадад куч олиш мақсадини қўйган кўринади. Амалда Амир Темур бу мақсадига эришди ҳам. Зеро, ҳозирги замон Миср тарихчиси И. А. Тархон ёзишича, Боязид Миср билан иттифоқ тузишга қанчалик уринган бўлмасин, «султон Носир Фаражнинг калтабин маслаҳатчилари Боязидни Амир Темурга қарши якка қолдириш тарафдори бўлдилар».

Бу фикрни тасдиқловчи яна бир муҳим далил бор. Хитойга юришга тайёргарлик кўриш жараёнида Амир Темур Миср билан сулҳ тузиш учун муайян қадамлар қўйди. Конигилда бўлиб ўтган катта маросимда қатнашган Миср султонининг элчиси орқали у зарҳал ҳарфлар билан узунасига 17 газ, энига 3 газдан иборат қоғозга хайрихоҳлик руҳида ёзилган хат юборди. Айни вақтда мавлоно Абдулла Кеший исмли киши элчи қилиб жўнатилди. Соҳибқирон султон Фаражга сулҳ шартномасини имзолашни таклиф этди. XIV аср охири ва XV аср бошида яшаган Миср тарихчиси, зикр этилган воқеаларнинг бевосита шоҳиди Ибн Дўқмоқнинг таъкидлашича, бундай сулҳ ҳақиқатан имзоланган ва Миср султони ўзини Амир Темурга вассал (тобе) деб эътироф қилган.

Албатта, Амир Темурнинг Миср султонлари билан ўзаро хат айирбошлаши уруш ҳаракатларига катта таъсир кўрсатди, деб бўлмайди. Аммо аввало бу ҳужжатлар ўша даврдаги қучлар нисбатини яққол намоён қилган бўлса, иккинчидан ва, энг муҳими, уларни ўрганиш Марказий Осиё — Миср муносабатларининг кескин даврларида (1386—1405 йиллар) Амир Темур ва Миср султонлари томонидан кўрилган дипломатик тадбирларга ойдинлик киритади. Умуман, араб ва форс тилларидаги эслатилган маълумотларни ўрганиш XIV — XV асрларда Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасидаги мавжуд бўлган дипломатик алоқалар тарихини чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради.

Аҳаджон ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори.

Бисмиллоҳир-раҳманир-раҳим!

Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги элчихонаси раёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти

муҳтарам ИСЛОМ КАРИМОВ

жаноби олийларини ва шарофатманд бутун ўзбек халқини муборак Рамазон ҳайити-Ийд-ал-Фитр айёми билан самимий муборакбод этади.

Худованди Каримдан давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада равнақ топишини тилаб қоламиз.

Эрон Ислом Жумҳурияти элчихонаси.

НИҲОЯТ, ЎНГ КЕЛГАН ОҚ ТУШЛАРИМСИЗ

ЎЗБЕГИМ, САЛОМ!

Меҳри чаноқлардан тошган халқимсан,
Минг бир довонлардан ошган халқимсан.
Сонсиз синовларни доғда қолдириб
Ойдин тонглар томон шошган халқимсан.
Пахтанинг тонгини кутганлар салом,
Бошида хумони тутганлар, салом.
Неки эзгуликни жонига жойлаб
Пахтанинг чангини ютганлар, салом.
Чаноқ тилган бармоқ, тилинган қўллар
Ҳали кўп қўшиқлар айтаман сизга.
Ҳазорисбандли қир, дала-дашт йўллар
Баҳорга қайтгандек, қайтаман сизга.
Кулгулари тиниқ, гўзал парилар,
Шийпонда ухлаган гўдаклар, салом.
Кураги ҳеч қачон ерга тегмаган,
Елкаларни ўпган яктаклар, салом.
Алёрлар тоғларга урилиб қайтар,
Тоқати, бардоши пўлат — меники.
Боласин пахтага ўраб ўстирган,
Шу эна меники — элат меники.
Энг тоза муҳаббат пахтазорларда
Сусамбулларда йўқ эртаклар, салом.
Қирқ бир алпларимга беланчак бўлган,
Авлиёлар ўпган этаклар салом.
Ким айтади, менинг жоним биттадир
Ғолиб ташрифингиз эшитган оним.
Сиз келар йўлларни соч-ла супуриб,
Қирқ бир сулув бўлсин, қирқ битта жоним.
Руҳимга ёруғ нур қайтарган оққуш,
Олтин уруғ ташир лайлаклар, салом.
Алпомиш қўл берган ҳур баҳодирлар
Балони қайтарган билаклар, салом.
Азали авлоди аслзодалар
Маликалар туққан мардонлар, салом,
Елкасига баҳор бошқўйганларим
Ботирлар, балогардонлар, салом.
Нон бўйи таралган саҳарлараро,
Тандирлар ёнида ёзган шеъримсан.
Ҳеч кимдан қарзи йўқ очилдастурхон,
Насибаси улуғ, ризқи еримсан.
Ҳалоллик фарзанди, ғурур фарзанди,
Садоқат фарзанди — ўзлигим, салом.
Топгани тўйларга буюрган танти,
Худо ёрлақаган ўзбегим, салом!

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

Дарахтнинг шохига отилган тошлар
Дарахтнинг пойига чўкар барибир...
Аммо сиз томонга отилган тошлар
Сизнинг пойингизга чўкканича то.
Болишга сел бўлиб чўкди кўз ёшлар,
Сўзлар бўғизданоқ бўлдилар адо.
Сизга отилган тош қайтгунича то
Келган томонига хатолар қайтди.
Дилдан нидо қайтди, кўзлардан зиё
Бошларга урилиб савдолар қайтди.
Тошларнинг қайтиши бўлди кўп оғир
Аммо қорлар қайтди, бўронлар қайтди.
Қайтиш деворида йиғлади ёмғир,
Қушларнинг кўзида осмонлар қайтди.
Сиз сўзни синглим деб қизғанган кезлар
Сўзфуруш нархи нақ бозордан айтди.
Исбот қиламан деб ташланган излар
Гулдор эшикларга киролмай қайтди.
Охир умр қайтди қоғоз оралаб,
Елкасига ортиб бир улкан қайғу.
Нолиб ўтирмади ортига қараб
Демакки, олдиндан билган экан у,
Дарахтнинг шохига отилган тошлар
Дарахтнинг пойига чўкар барибир.

ҚИЗАЛОҚЛАРИМ – САОДАТХОН ВА САНОБАРХОНЛАРГА

Менинг қўшалоқ кўзмунчоқларимсиз,
Чорасиз чопганда чироқларимсиз.
Ташнаи зор ўлуб титраб турганда,
Кўкдан сув келтирган чорлоқларимсиз.
Сиз ҳали улғайиб бир қиз бўласиз
Тиши дур, қошлари қундуз бўласиз.
Садоқат юртининг самоларида
Тўлин ой бўласиз, юлдуз бўласиз.
Сув ичгани келган кийикчаларим,
Дон егани келган оққушларимсиз.
Охир адоқсиздек қаро тундан сўнг
Ниҳоят, ўнг келган оқ тушларимсиз.
Қайрилдим неки йўл-йўлакларимдан.
Шону шеърдан кечиб сиз томон чопдим.
Бошмоқчангиз турган пойгакларимдан
Маънисиз умримга маънилар топдим.
Мени ёшартирар тиниқ термулиш
Руҳимни чалғитмас пастлар, ёмонлар,
Кўздан ёшим артиб етаклар сизга
Беғубор томонлар — оппоқ томонлар.
Оламда ҳаммани оғайни билган
Қувноғу қақажон улоқчаларим,
Жаннат жилғасидек жарангдор кулган
Юрагимдан оққан булоқчаларим.
Иллоҳким, гўдаклик менга қариндош
Елкамга елкадош, жонимга жондош.
Ким гўдак эмизар — сиримга сирдош
Қайғумга қайғудош, қонимга қондош.
Кўнглим — боласига чопган буғудир
Йўлида қиличлар майсадек ётсин
Иллоҳ, она буғу томон йўлланган,
Камонлар ўзининг эгасини отсин.

Зулфия МЎМИНОВА.

Газетанинг навбатдаги сони 22 февралда чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси жамоаси Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари — истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи А. Умаровга опаси
БУВРА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериаллари» концернининг ижроия аппарати ходимлари «Кварц» АЖ бошқаруви раиси У. Отабоевга акаси
Мухтор НУРИТДИНОВичнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоаси шу корхона тижорат ишлари директори Азизиддо Мирзамўйдиновга отаси
Қодирбой МИРЗАМЎЙДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги «Ўздунробита» қўшма корхонаси тижорат ишлари директори Азизиддо Мирзамўйдиновга отаси
Қодирбой МИРЗАМЎЙДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Б. Ж. Исмоиловга укаси
Акром Исмоиловнинг
вафот этганлиги муносабати билан унга ва унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

КУЧЛИ БЕШЛИКДАН ЎРИН ОЛИШДИ

Спортчиларимиз Хитойнинг Харбин шаҳрида ўтказилган 3-қишки Осиё ўйинларидан қайтиб келишди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия спорт қўмитасида спортчилар билан журналистлар учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов спортчиларимизнинг қитъа «Оқ олимпиадаси»да қатнашуви ҳақида ахборот берди. Жумладан, у музда нафис учиш бўйича ҳамюртимиз Татьяна Малинина 3-қишки Осиё ўйинлари қатнашчиларида катта таассурот қолдирганлигини таъкидлади. Ҳамюртимиз фақат ўтган йилги жаҳон чемпиони хитойлик Лу Чендан ортда қолиб, қитъа «Оқ олимпиадаси»нинг «кумуш» медали билан тақдирланди.

Фристайлчимиз Сергей Бренер эса хитойлик икки спортчидан ортда қолиб, «бронза» медали соҳиби бўлди.

Шунингдек, бошқа спортчиларимизга нисбатан фристайлчимиз Лина Черязова юқорироқ натижа кўрсатди. Ҳамюртимизнинг оғир жароҳат олганлигидан мухлислар хабардор. Шунга қарамай Лина бор маҳоратини ишга солишга ҳаракат қилди. Бироқ у ҳавода акробатик машқни мувоафақиятли бажариб, ерга тушиш чоғида бироз хатоликка йўл қўйди. Натижада, ҳакамлар уни бешинчи ўринга лойиқ деб топишди.

3-қишки Осиё ўйинларининг медаллари учун кураш асосан, Хитой, Қозоғистон, Япония, Корея спортчилари ўртасида борди. Зеро, бу мамлакатлар делегациялари сафида 93 нафардан 174 нафаргача спортчи бор эди. Қолаверса, бу мамлакатлар 3-қишки Осиё ўйинлари дастуридаги барча 9 спорт тури бўйича майдонга чиқишди. Бизнинг спортчилар эса бор-йўғи 3 спорт тури бўйича қатнашишди. Шунга қарамай, терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида 16 мамлакат орасида бешинчи ўринга кўтарилди.

Яна шуни айтиш жоизки, мусобақада қатнашган 11 мамлакат спортчилари юртларига қитъа «Оқ олимпиадаси»нинг медалларисиз қайтишди.

Матбуот конференцияси чоғида делегация раҳбарлари, спортчилар, жумладан, Лина Черязова ва унинг мураббийси Д. Кавунов ўзларининг таассуротларини гапириб беришди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Учрашув сўнгида 3-қишки Осиё ўйинлари қатнашчиларига турли хил совғалар ҳадя этилди.

Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: 3-қишки Осиё ўйинларининг совриндорлари Татьяна Малинина ва Сергей Бренер.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Ғ. Юсупов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 079. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Босишга топширилди — 21.00.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. **Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.** **Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**